

THE TRACE OF THE FRENCH CLASSICISM ON THE WORLD LITERATURE

Holmuradova Zebiniso Shavkatovna

Senior teacher of Samarkand State Institute of Foreign Languages

Abstract. The present article demonstrates the influence of the French classicism on the world literature as well as analyzes literary regulations of the works of that epoch.

Key words: literary work, poetry, classicism, shape, content, regulation, to criticize.

Франкофон адабиёти – француз тилида ёзилган асарлар ҳисобланади. Бугунги жаҳон адабиётида франкофон адабиёти муҳим ўринни қамраб олган. Мисол учун, Бельгия, Канада ва Швейцария давлатларида франкофон адабиёти кенг ривожланган. Бунга албатта, тарихий омиллар катта роль ўйнади [1]. Худди шундай, Африкада француз тилида ёзилган матнлар ҳам мустамлакачиллик адабиёти аталади. Франкофон адабиётининг ривожини Франциянинг колонияларида франкофонлар сони ва уларнинг тилига боғланган ҳолда ривожланган. “Франкофон” термини 19 аснинг охирида пайдо бўлган ва француз тилида сўзлайдиган инсонларни назарда тутган. 20 аснинг биринчи яримида дунёда француз тилида ёзадиган муаллифларнинг Ассоциацияси шаклланди (Adelf).

Кейинроқ эса, франкофон адабиёти ва француз адабиётининг ўртасидаги фарқловчи белгилар пайдо бўлган ва иккала адабиётининг фарқи алоҳида илмий асарларда намоён этилган. Мисол учун, 1960 йилда Морис Бемоль «20 аснинг француз тилидаги адабиётнинг аниқлаш» номли монографияси чоп этилди.

Франкофон адабиётининг тарихи уч асосий босқичдан иборат. Биринчи босқич пайдо бўлишига Квебекда илк бор шаклланган колониялар замин яратган. Бу ерда франкофонлар Франциядан кўчиб келган муҳожирлар эди. Уларнинг тили адабий француз тилидан деярли фарқ қилмасди. Улар ва маҳаллий аборигенлар ўртасидаги мулоқот ҳам адабий тилнинг ривожига таъсир қилмасди. Муаллифлар ўзларини француз эканлигини ҳис қиларди ва ёзган асарларини француз адабиётига оид эканлигини таъкидлашарди. Уларнинг асарлари мазмуни кўпроқ қочиш ва сургун мавзуларни қамраб оларди. Баъзи китоблар янги майдонларнинг ва маҳаллий аборигенларнинг этнографик ва жуғрофий тадқиқотларига бағишланган эди. Мисол учун Жозеф Франсуа Лафито томонидан ёзилган «Ёввойи америкаликларнинг истаклари» мавзуидаги асарни келтириш мумкин.

Ўтган асрнинг яримида франкофон жамоавий радио Уюшмаси пайдо бўлди. Радио айнан франкофон адабиётнинг муаммоларига бағишланган эди.

17 асрдан француз адабиёти ўзгача ривожланиш даврини намоён қилган. Бунга тарих ва мамлакатдаги социал-тарихий аҳволи катта роль ўйнади. Бу даврда Франция бутун жаҳонда цивилизация маркази сифатида намоён қилинди. Буржуазия ва аристократия ҳамда уларнинг ҳокимият учун кураши кўплаб француз бадий асарларда тасвирланган. Уларнинг ҳукмронликка бўлган ҳирси Мольернинг комедияларида ўз аксини топган.

1632 йилда Францияда илк газета чоп этилди. Кейинроқ эса, француз адабиётини кузатиш учун Француз Академияси шаклланди. Адабиётда француз ҳаёти, инсоннинг

хулқи, мантиқи доирасида кўплаб асарлар пайдо бўлган. Бадиий принциплар ва шеърий ижод ривожининг чўққисига етиб борган. 17 асрда француз адабиёти классицизм давридаги адабиёт деб номланди. Бу даврда йирик француз миллий адабиёти шаклланди ва бутун жаҳон адабиётига ўз таъсирини ўтказди.

Адабиёт назарияси ва танқидчилиги классицизм даврида интенсив равишда ривожланган. Бу борада, кўплаб рисола, илмий трактат, бадиий памфлет ва пародиялар ёзилган. Бу даврда ёзилган ҳар бир бадиий асар танқидчилар томонидан чуқур муҳокама қилинарди. Классицизм адабиёти кўплаб антик давридаги шеърий жанрга асосланади. Классицизм назарияси ва амалиёти ўртасида қандайдир қарама-қаршилик кузатилган [2].

17 асрдаги Европа адабиётидек, француз адабиёти турли йўналишлар ва бадиий тизимларни намоён қилган. Жанрларнинг кенглиги айниқса 17 асрнинг биринчи яримлигида кузатилади ва бадиий ёрқинлик билан ажралиб туради. Образларнинг индивидуаллиги субъектив шеърий шакллар ёрдамида яратилган. Аста-секин бадиий йўналишлар ўртасидаги фарқлар намоён бўлиб, йўналишлар ва жанрлар бир биридан ажралиб, таснифланади. Классицизмга оид француз адабиёти кўпроқ фалсафий йўналишлар билан боғлиқлиги учун бадиий асарларнинг мазмуни турли ғояларга асосланарди.

Классицизмнинг фалсафий йўналишининг асосий вакили Рене Декарт (1596-1650) ҳисобланади. Дин вакиллари томонидан таъқибланган кейин Декарт Францияни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади ва ўзга юртда вафот этади. 17 асрнинг охирида унинг фалсафий назарияси университетларда маъруза матнида ўқитилишига рухсат этилди. Бу, ўз навбатида, унинг издошлари пайдо бўлишига замин яратди; улар мазкур фалсафий назариясини ва унинг адабиётга бўлган таъсирини тадқиқ қила бошлади.

Ренессанс давридаги анъаналарини давом эттириб, Декарт ва рационалистик фалсафанинг вакиллари фалсафанинг марказида асос сифатида кузатувлар ва тажрибани эмас, балки ақл ва идрокни кўриб чиқади. Улар фалсафада ҳам, адабиётда ҳам дунёнинг манзараси ақл қабул қиладиган ҳақиқатлар мажмуасида акс этилишини алоҳида таъкидлаб ўтади. Ақл илм-фан ва санъатнинг энг баланд мезонидир, чунки ақл ва идрок ёрдамида инсон адабиётда ва санъатда реал ва руҳий дунёнинг қонуниятларини ўрганади. Рационализм инсоннинг иккита қарама-қарши табиати мавжудлигини исбот қилган: «олий», яъни, илоҳий мазмун – Худо томонидан берилади ва «паст» - моддий мазмун, яъни ҳиссиётлар ва эҳтирос. Мана шундай оппозитивлик: ақл ва ҳиссиётлар ўртасидаги қураш француз классицизм адабиётини акс эттирган ва француз трагедиясининг драматик тўқнашувига асос солган.

Шундай қилиб, рационалистик фалсафанинг асосий тамойиллари классицизм эстетикасининг мазмунини белгилаб берган. Адабиётда жорий этилган ҳаёт ҳодисалари ақл ёрдамида қабул қилинади. Шунинг учун, асар сюжети “мен” томонидан эмас, умуман олганда, инсон томонидан кузатилади ва тасвирланади. Классицизм йўналишлари кўпроқ драматик, субъектив ва лирик йўналишларида намоён бўлган. Шахсий лирика, ўз навбатида, чуқур ҳиссиётлар ва бошдан кечиришларга асосланади. Классицизм доирасидаги лирик жанрида ёзилган тантанавор қасида (ода), сатирик асарлар ва фож қиладиган масаллар кенг тарқалан эди.

Рационалистик тамойил шеърий шаклга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, унинг мантиқий қаттиққўйлик ва композицион уйғунликка асос солган. Бундай шеърий шакл ҳодисаларнинг боғлиқлиги, шеърий услубнинг равшанлиги ва тил воситаларнинг аниқлиги билан ажратиб турарди.

Меъёр, мутаносиблик ва симметрия тушунчалари классицизм давридаги адабиётини кенг тарқалган эди, чунки мазкур тарихий даврдаги фикрлаш услубига математик ёндашув хос эди. Ҳар бир бадиий жанр ўзига хос қоида, шакл ва услубни намоён этади. Жанрларнинг

аралашishi танқид қилинар эди. Классицизм йўналиши кўпроқ антик мазмунга таяниб, афсонавий ва тарихий қаҳрамонларни тасвирларди.

17 аснинг биринчи чораги классицизм поэтикасининг ривожини билан ажратилади. Мазкур соҳага Франсуа Малерб (Francois Malherbe, 1555-1628) катта ҳисса қўшган. Унинг ода ва станслари қирол оиласи аъзоларига, сонет ва мунгли лирик шъерлари эса, дўстлари ва адабий танқидчиларга бағишланган эди. Малербнинг ишқий лирикаси ҳис-туйғудан ақлнинг устунлиги билан ажралиб туради. Умуман олганда, Малербнинг классицизм лирикасида қолдирган изи мазкур йўналишдаги бошқа назариячилардан кўра каттароқ бўлган.

Малерб образликка қарши чиқиб, метафоралар ва афсонавий исмларга танқидий қараган. Шоир француз адабиёти турли архаик сўзлар, латин ва грек ўзлашма сўз ва иборалардан фориғ қилинишига катта ҳисса қўшган. Унинг шеърий асарларида ўша даврдаги Франциянинг тил ва маданияти ўз аксини топган. Малерб илк бор француз поэтикасининг қонуниятларини ишлаб чиқади. Шунингдек, цезуранинг (шеъриятда такрорланиб келувчи паузанинг алоҳида ўрни) аниқ ўрни ҳамда ибораларнинг қисмларини бир сатрдан бошқа сатрга ўтказмаслиги классицизм поэтикасига тадбиқ этилди. Кейинчалик унинг поэтик қонуниятлари бошқа Европа давлатларида ҳам қабул қилинди.

Классицизмнинг кейинги босқичи 1630-1650 йилларда шаклланди ва кўпроқ драматик мазмундаги асарлар, шунингдек, трагедияларда намоён бўлди. Айнан драматик мазмундаги асарларда ижтимоий ҳаётининг муаммолари ва салбий томонлари ўз ифодасини топган. Корнель француз адабиётига қўйган қадами трагедия жанрини асосий қилиб белгилаган. Шу йўсинда, 17 асда Францияда миллий театр шаклланди ва француз маданиятининг муҳим қисмига айланди. Парижда илк бор Корнель пьеса ва трагедияларини сахналаштирган доимий театр гуруҳлари яратилди.

Адабиётлар:

1. Найденова Н.С. «Мировая литература» на французском языке как феномен трансграничной художественной словесности. // Известия РАН. Серия литературы и языка, 2013. – том 72. - № 1. – С. 52-57.
2. <http://encyclopedia.mil.ru/encyclopedia/history/more.htm?id=11068671@cmsArticle>